

БАНД - (арабча - бўгин, боглам) мазмуннинг шартли тугаллиги билан фаркланувчи шеърий мисралар йигиндиси. У бадий фикр, ритмик жихатдан тугал бўлган ва муайян кофия тартиби билан бирлашган шеър бўлагидир. Одатда шеърни ташкил қилган барча бандлар бир хил кофия тартибига эга бўлади.

Ўзбек мумтоз шеърлятида турли банд қурилишлари мавжуд бўлиб, улар махсус номлар билан аталган. Икки мисрадан иборат банд маснавий, уч мисралиси - мусаллас, тўрт мисралиси - мураббаъ, беш мисралиси - мухаммас, олти мисралиси - мусаддас, етти мисралиси - мусаббаъ, саккиз мисралиси - мусамман, ўн мисралиси - муашшар деб юритилади. Бундан ташқари жуда мураккаб тузилишга эга бўлган бандлар асосида яратиладиган таркиббанд ва таржиъбанд сингари шеърий шакллар ҳам мавжуд.